

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2021 йил июль ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Қ шаҳар судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида, видеоконференцалоқа режимида бўлиб, судья Қ.А.нинг раислигида, судья ёрдамчиси Л.А.нинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қ шаҳар прокурори ёрдамчиси Ғ.Р., судланувчи Р.Н. ва унинг ҳимоячиси-адвокат У.У., жабрланувчининг қонуний вакили М.Саидоваларнинг иштирокида Н.Р.Р.га оид 1-1503-2103/-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Н.Р.Р., 1959 йил 24 август куни Т. шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, ёлланма ишчи, муқаддам жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2000 йил 21 июнь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 277-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 15 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, Т.шаҳар, У. тумани, У. кўчаси, 40-уйда яшаган, қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 12 июль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми ва 117-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, далилларни текшириб, тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Н.Р.Р. 2021 йил 23 март куни соат 16:00 ларда ўзининг бошқарувида бўлган, - Q 731 СА давлат белгили, “Нексия-1” русумли автомашинасини Қ шаҳар, Ч. кўчаси томондан . кўчаси томонга қараб бошқариб кетаётиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари” нинг 11-банди "г" бўлимида “Транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши мажбурдир” ва 77-бандидаги “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини



бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган талабларини бузиб, бошқарувида бўлган “Нексия-1” русумли -Q731CA давлат белгили автомашинасини Қ шаҳар, Я. кўчаси томонга бошқариб, олд томонида йўлни чап томонидан ўнг томонига кесиб ўтаётган пиёда М.А.Н.ни 40 метр масофадан кўрган бўлса-да, унга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўрмасдан автомашина тезлигини соатига 80 километрга ошириб, ўзига ишониб бошқариши оқибатида А.М.ни автомашина олд чап томони билан уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисасини содир этиб, А.М.га қўшалок шикастланиш, бош мия ёпиқ шикасти: чап чакка-энса суякларини ёпиқ синиши, мия юмшоқ пардалари остига қон қуйилиши, бош мия лат ейиши, кўкрак ёпиқ шикасти: тўш суягини, ўнг томондан 2-3 қовурғаларни ёпиқ синиши, ўнг болдир суякларини ёпиқ синиши, ўнг ёноқ-чакка соҳасида, пешонасида, ўнг кўз пастки қовоғида, чап болдирида, чап билагида, чап қўл кафти орқа юзасида, чап кўкрак беши чап томонида қонталашлари каби ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикастлар етказиб, ҳаёти ва соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини-ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган жабрланувчи А.М.ни автомашинасига солиб, унга тиббий ёрдам бериш учун шифохонага олиб бориш имкониятига эга бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари” нинг 13-бандида кўрсатилган “Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда унга дахлдор ҳайдовчилар қуйидагиларни бажаришлари шарт: транспорт воситасини дархол тўхтатиши, авария ишораларини ёқиши ва авария сабабли тўхташ белгиси ўрнатиши, транспорт воситасини ва ҳодисага дахлдор буюмларни жойидан қўзғатмаслиги, шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам бериш учун зарур бўлган чораларни кўриши, тез тиббий ёрдам ва фавқулодда қутқарув хизматларини чақириши, шошилиш ҳолларда эса шикастланганларни яқин орадаги даволаш-профилактика муассасасига йўлакай транспорт воситасида жўнатиши, бунинг иложи бўлмаган ҳолларда ўз транспорт воситасида олиб бориши, у ерда ўз исми-шарифини, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиси ҳақида ахборот бериши, (ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, ёки ҳайдовчилик гувоҳномасини ва транспорт воситасини рўйхатдан ўтганлик ҳужжатини кўрсатиши) ва ҳодиса рўй берган жойга қайтиб келиши керак”,- деб белгиланган талабларини бузиб, ҳаёти ва соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган А.М.га биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўрмасдан, жабрланувчи А.М.ни хавфли аҳволга солиб қўйиб, воқеа жойидан номаълум томонга кетиб юбориб, А.М.ни ўлишига сабаб бўлган.



Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 474-моддаларини қўллаб, суд

### ҲУКМ ҚИЛДИ:

Н.Р.Р. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми ва 117-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин.

Н.Р.Р.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 117-моддаси 2-қисми билан 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин. Р.Н.ни сутканинг соат 21:00 дан соат 6:00 гача бўлган вақтида яшаш жойиданчиқиши чеклансин;

Н.Р.Р.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 (тўрт) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин. Р.Нурмухамедовни сутканинг соат 21:00 дан соат 6:00 гача бўлган вақтида яшаш жойиданчиқиши чеклансин; унинг зиммасига маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш, иш, ўқиш жойини ўзгартирмаслик, ўзи яшайдиган маъмурий ҳудуд Тошкент шаҳридан чиқмаслик қўшимча тақиқ (чеклаш)и юклатилсин.

Н.Р.Р.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 2-қисмига асосан тайинланган енгилроқ жазони оғирроқ жазо билан қоплаш йўли билан жиноятлар мажмуи учун узил-кесил 4 (тўрт) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин. Р.Н.ни сутканинг соат 21:00 дан соат 6:00 гача бўлган вақтида яшаш жойиданчиқиши чеклансин; унинг зиммасига маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш, иш, ўқиш жойини ўзгартирмаслик, ўзи яшайдиган маъмурий ҳудуд Тошкент шаҳридан чиқмаслик қўшимча тақиқ (чеклаш)и юклатилсин.

Р.Н.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан у дастлабки қамоқда сақланган 64 кунни ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг 1 кунига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегириб, узил кесил ўташ учун 3 (уч) йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, 3 (уч) йил 9 (тўққиз) ой 26 кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Жазони ижро этиш Т. шаҳар, У. тумани ИИБ Пробацяя бўлими зиммасига юклатилсин.

Р.Н.га қўлланган қамоққа олиш эҳтиёт чораси бекор қилиниб, суд залида дарҳол қамоқдан озод қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида - вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья:

Қ.А.



Ҳужжат имзолаган: Абдуллаев Қобулжон Ғуломжон ўғли, 17.08.2021

